

## Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича

### ХУЛОСА

#### “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини (ID-22805 (V-1) кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириши ҳамда ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Ушбу Қонуннинг 34-моддасига асосан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг амалга ошираётган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади.

Шу муносабат билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси талабларини инобатга олиб, қарор лойиҳасининг **5-банди “в” кичик бандини чиқариб ташлаш зарур.**